

5.Повышение значения производства новых материалов в развитии науки и техники обеспечивает строительство с более экономичными технологическими процессами и способствует созданию прогрессивных видов продукции.

#### **Использованная литература:**

1. Постановление ПК-99 Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева от 24.01.2022 г. «О мерах по созданию эффективной системы развития производства и расширения производственной кооперации в Республике».
2. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева ID-9413 «О концепции развития социально-экономического комплекса Республики Узбекистан до 2030 года».
3. Абдурахим Артыков «Промышленная экономика» учебник. 304 страницы, Ташкент 2014.
4. Юлдашева С.Н. Учебное пособие «Организация производства на промышленных предприятиях». 290 страниц, Бухара 2020.
5. Ш.Ш. Шодмонов, Ю.В. Гафуров "Экономическая теория" учебник. 784 стр., Ташкент, 2005.
6. Харитонов В.А. Основы организации и управления в строительстве. М. : Академия, 2018. 224с.
7. Друкер П. Практика менеджмента. М.: Манн, Иванов и Фербер, 2017. 416с.
8. Г.М. Давлятова, О.Н. Тойчиева «Организация производства на промышленных предприятиях». Ташкент 2020
9. И.Х. Давлетов "Экономика строительства", учебное пособие 256 стр. 2019
10. Информация Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. [https://stat.uz/uz/официальная статистика](https://stat.uz/uz/официальная_статистика)
11. lex.uz
12. gov.uz

## **ҲАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МАКРО ВА МИКРОИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ**

**Камилова Ирода Хуснидиновна**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Банк иши ва инвестициялар кафедраси доценти, PhD*

Инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Инвестиция орқали иқтисодиётни модернизациялаш, тараққий эттириш, барқарор ривожланишига эришиш, корхоналарнинг капитал жамғаришига, натижада мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга ва иқтисодий ўсишига замин яратилади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қўйидаги вазифалар белгиланган:

\* Инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, «пастдан-юқорига» тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш;

\* 2026 йилгача Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш;

Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш; [1]

\* Сурхондарё вилоятида «Инвесторларга кўмак маркази», Навоий вилоятида Навоий кон-металлургия комбинати томонидан «Бизнесга кўмаклашиш маркази» ва Тошкент шаҳрида «Илғор лойиҳалар ва инжиниринг маркази» ва ҳар бир туманда «Инновация ва технология марказлари» ташкил қилиб, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш;

\* Тошкент шаҳрида ҳар йили «Тошкент халқаро инвестиция форуми»ни ўтказиб бориш.

Давлатнинг мавжуд ресурсларни самарали бошқариш қобилиятини кучайтириш унинг ушбу бозорда фаолроқ иштирок этишига имкон беради. Шу билан бирга, БРМ (Барқарор ривожланиш мақсадлари)ни молиялаштириш учун ресурсларни жалб қилиш соҳасидаги муҳим йўналиш меъёрий-ҳуқуқий базани ислоҳ қилиш, БРМга йўналтирилган хорижий инвестициялар оқими учун шароит яратиш, шу жумладан солиқ ва солиқдан ташқари имтиёзлар ва преференциялар тизимини қайта кўриб чиқиш орқали хусусий бизнесни ривожлантириш учун шароит яратишдир ва янги бозорларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратиш, мақсадли инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш, янги инновацион воситалардан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида 2011–2022 йилларда аралаш молиялаштириш доирасидаги инвестициялар миқдори 172 миллиард долларга ошди [2]. 2021 йилда коронавирус билан боғлиқ ҳолатнинг яхшиланиши ҳамда қатъий карантин чекловларининг киритилмаганлиги, иқтисодий кутилмаларнинг барқарорлашиши мамлакатда инвестицион фаолликнинг ошишига олиб келди.

Хусусан, 2021 йилда жами асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 244,9 трлн. сўмни ташкил этиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф кириб келиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18 фоизга кўпайиб 2,0 млрд. долларни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида мамлакатга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг капиталдаги соф ўсиши 1,5 млрд. долларга тенг бўлиб, мамлакатга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида инвестициялар репатриацияси ҳажмининг ортиши билан қисман қопланди. Бош компаниялардан олинган қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши 435,0 млн. долларни ташкил қилиб, 2020 йилга нисбатан қарийб 2,8 баробарга ўсиш кузатилди.

Шунингдек, хорижий инвесторлар томонидан даромадларнинг реинвестиция қилиниши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 фоизга камайиб, 407,0 млн. долларга тенг бўлди (2020 йилда 419,3 млн. доллар) [3].

Инвестициялар иқтисодий категория сифатида қатор функция ва вазифаларни бажаради, амалда уларсиз ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти бир маромда ривожлана олмайди. Инвестициялар микродаражада, корхоналарнинг келгусида меъёрда фаолият кўрсатиши, барқарор молиявий ҳолатини ва максимум (юқори) фойда олишини таъминлаш билан боғлиқдир. Шу боис ҳам инвестициялар макро ва микроиқтисодиётни ривожлантиришда катта рол ўйнашини мамлакатда инвестиция фаолиятининг ҳолатини кўрсаткичлар динамикаси характерлайди (1 – расм).



**1–расм. Инвестиция фаолиятини ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар динамикаси**

Шунинг билан бирга объектив ҳолатда, инвестиция фаолиятининг ҳолатини қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини ҳам характерлайди, яъни: миллий даромад; ялпи миллий маҳсулот ва ЯИМ; саноат ишлаб чиқариш ҳажми; саноат маҳсулотларининг алоҳида турини ишлаб чиқариш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқ.

Инвестиция фаолиятининг ҳолатига баҳо беришда инвестиция қўйилмаларисиз ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини тасаввур этиб бўлмайди. Агар ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари инвестицияларнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлса, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатади ва аксинча.

Инвестициялар макродаражада бир неча жараёнларни маъромли ривожланишини таъминлайди (2 – расм).

Инвестициялар иқтисодиётни янада барқарорлаштириш учун зарурдир.

Реал инвестицияларни жалб қилиш иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ва жозибadorлигини оширади. Инвестициялар микродаражада ҳам муҳим рол ўйнади.

Бунда инвестициялар, энг аввало, қуйидаги мақсадларга эришиш учун зарурдир: корхона ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш; давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хўжалиги, сув хўжалиги ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 14 миллиард АҚШ долларилек лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилганасосий фондларнинг ҳаддан ташқари жисмоний ва маънавий эскиришига йўл қўймаслик; қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа корхона активларига ўз маблағини сарфлаш зарурлиги билан боғлиқдир.

Ҳаракатлар стратегияси давлат дастури доирасида амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизация қилиш жараёни инвестиция фаоллигини янада оширди. Давлатнинг мавжуд ресурсларни самарали бошқариш қобилиятини кучайтириш унинг ушбу бозорда фаолроқ иштирок этишига имкон беради.

Шу билан бирга, БРМга йўналтирилган хорижий инвестициялар оқими учун шароит яратиш, шу жумладан солиқ ва солиқдан ташқари имтиёзлар ва преференциялар тизимини қайта кўриб чиқиш орқали хусусий бизнесни ривожлантириш учун шароит яратишдир ва янги бозорларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратиш, мақсадли инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш, янги инновацион воситалар дан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Инвестициялар ҳажмининг сезиларли равишда ўсиб бориши орқали ўзининг ижобий натижаларини кўрсатишига имкон бермоқда. Давлат томонидан хўжалик субъектларини инвестиция фаолиятини ривожлантиришга берилган эътибор ва қўллаб-қувватлаш натижасида ЯИМда инвестицияларни динамик ўсиш суръатларига эга бўлди.

Фикримизча, инвестицияларнинг иқтисодиёт ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсирини ҳисобга олиб, унинг энг приоритетли вазибаларини белгилаш мумкин:

– иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини оптимал жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларини шакллантиришга имкон яратиш;

– иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга татбиқ этиш;

– мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги қонуний кафолатланган инвесторларни қониқтирувчи улушини яратадиган ва молиявий ўсишни таъминловчи инфратузилмаларни фаоллаштириш;

иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш.



**2-расм. Инвестицияларни микродаражада иқтисодий-ижтимоий жараёнларни бир маъромда ривожланишини таъминлаш масалалари**

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш биринчи томондан, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантирса; иккинчи томондан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг

учун хорижий инвестицияларни иқтисодийнинг устувор соҳаларига йўналтириш орқали аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш ҳамда фаровонлигини ошириш имконини яратади.

### **Adabiyotlar ro'yxati:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон
2. [https://api.mf.uz/media/document\\_files/lkkinchi\\_milliy.pdf](https://api.mf.uz/media/document_files/lkkinchi_milliy.pdf)
3. <https://daryo.uz/k/demo/2022/03/29/sof-investitsiyalar-oshdi-portfel-investitsiyalar-kamaydi-ozbekistonda-2021-yilda-investitsion-faoliyat-qanday-boldi>

## **РОЛЬ ЦИФРОВИЗАЦИИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ (НА ПРИМЕРЕ НЕФТЕГАЗОВОЙ ОТРАСЛИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН)**

**Соатов Эшнозор Абдурайимович**

*Заместитель начальника департамента экономики  
и производства ИП ООО «Sanoat Energetika Guruhi»,  
к.т.н. и.о. доцент кафедры экономики нефти  
и газа филиала РГУ Нефти и газа (НИУ)  
им. И.М. Губкина в г. Ташкенте*

**Эргашев Хасанбек Улугбек угли**

*Ведущий экономист департамента экономики и производства  
ИП ООО «Sanoat Energetika Guruhi»*

**«В ближайшие пять лет мы сделаем цифровую экономику основным драйвером. Оно будет увеличено как минимум в 2,5 раза и доведено до 4 млрд. долларов. К 2026 году все процессы в нефтегазовой, химической, металлургической и других отраслях промышленности будут полностью оцифрованы»**

**Шавкат Мирзиёев**

Вопрос о цифровизации экономики Узбекистан является наиболее актуальным. По данному направлению Руководителем страны поставлена цель, определены задачи, и вместе с тем есть непростые и неотложные вопросы по уменьшению негативного воздействия монополии хозяйствующих обществ с участием государства на конкурентоспособность экономики, повышению эффективности системы предоставления льгот и преференций, а также снижению регуляторной нагрузки на субъекты предпринимательства [1-4].

Сегодня очевидно, что достичь высокой эффективности всех используемых ресурсов по всему технологическому процессу в нефтегазовой отрасли невозможно достичь без цифровизации [10].

Технологии включаются в процесс от геофизики и сейсморазведки, до бурения нефтяных и газовых скважин, от процессов нефтегазодобычи, и их